



**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2012 йил
22 октябрдаги 281-сонли ва 2012 йил 19 ноябрдаги 307-сонли
қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 295-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарори ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раёсатининг 2017 йил 12 январдаги 133-сонли қарори, Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 15-февраль кунги 67-сонли қарорига асосан Вазирлар Кенгашининг структураси ўзгариши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **қарор қилади:**

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республика комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.


2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2012 йил 22 октябрдаги 281-сонли қарорининг 3 банди 1-иловадаги “Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалар”и бўйича Қорақалпоғистон Республика комиссияси таркиби ва 2012 йил 19 ноябрдаги 307-сонли қарорлари бекор қилинсин.

3. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари 1 кун муддатда Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман (шаҳар)лар комиссиясини ташкил этсин ва комиссия фаолиятини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жуманов зиммасига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси

Қ. Сариев



**Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари
бўйича Қорақалпоғистон Республика комиссиясининг
ТАРКИБИ**

1	Қ.Сариев	- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, комиссия раиси
2	М.Жуманов	- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари
3	Д.Қурбаниязов	- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашининг қўмита раиси, комиссия раисининг ўринбосари (келишуви бўйича)
4	Н.Алимбетов	- Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон бўлими раиси, комиссия аъзоси
5	Т.Султанов	- Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва давлат кадастри башқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси
6	А.Машарипов	- Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия аъзоси
7	Қ.Бектурдиев	- Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, комиссия аъзоси
8	А.Аяпов	- Қорақалпоғистон Республикаси Ўрта махсус, касб-хунар таълими башқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси
9	П.Айтмуратов	- Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири, комиссия аъзоси
10	А.Убайдуллаев	- Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари, комиссия аъзоси
11	Т.Исмаилов	- Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия аъзоси
12	А.Турумбаев	- Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси, комиссия аъзоси
13	А.Жолдасов	- Қорақалпоғистон Республикаси Статистика башқармаси бошлиғи в.в.б, комиссия аъзоси
14	Т.Хожаназаров	- Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси в.в.б, комиссия аъзоси
15	Ш.Аяпов	- Қорақалпоғистон Республикаси маънавият-тарғибот маркази раҳбари, комиссия аъзоси
16	Ш.Уснатдинов	- “Нуроний” жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи, комиссия аъзоси
17	Қ.Елмуратов	- “Маҳалла” жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи, комиссия аъзоси

18	К.Каримов	- Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, комиссия аъзоси
19	А.Альниязов	- Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоқ бўлими Гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти директори, тарих фанлари номзоди, комиссия аъзоси
20	Г.Курбаниязов	- Нукус Давлат Педагогика институти доценти, филология фанлари номзоди, комиссия аъзоси
21	К.Реймов	- “Еркин Қарақалпақстан” ва “Вести Қарақалпақстана” газеталари бош муҳаррири, комиссия аъзоси
22	Қ.Нағметов	- Қорақалпоғистон Телерадиокомпанияси директори, комиссия аъзоси
23	А.Бекмуратов	- Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги директори
24	М-Ш.Қдирниязов	- Қорақалпоқ давлат университети профессори, тарих фанлари доктори, комиссия аъзоси
25	М.Кудайбергенов	- Қорақалпоқ давлат университети профессори, филология фанлари доктори, комиссия аъзоси
26	Б.Кусекеев	- Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий вакили
27	Лавозими бўйича	- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича котибияти бошлиғи, комиссия котиби
28	Лавозими бўйича	- Шаҳар ва туман ҳокимлари

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ишбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки улар зиммасига тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.



Изоҳлар